



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Муртазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

3. Dragičević, M., & Obadić, A. (2013). Klasteri i politike razvoja klastera [Clusters and cluster development policy]. Zagreb: Faculty of Economics University of Zagreb.
4. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзган диссертацияси автореферати. Т.: 2021й. 62 б.
5. Авлоқулов А.З. “Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражаси учун диссертация автореферати. Т.: 2019 й. 120 б.
6. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Дарслик, «Меҳнат» - 2009. -512 б.
7. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.
8. Божья-Воля А.А. Система оценки и стимулирование результативности деятельности государственных служащих: Автореф. дис... канд. экон. наук. – М., 2012. – С. 4.
9. Qianqian Gu, Kang Zhao. An Empirical Research on the Performance Assessment of Chinese Civil Servants // International Conference on Logistics Engineering, Management and Computer Science (LEMCS 2015). – Pp. 768-776. – Access mode: <https://doi.org/10.2991/lemcs-15.2015.151>.
10. Маматов Ш. Самарадорликни баҳолаш: қадимий ва замонавий мезон. – Кириш режими: [http:// biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/45160-samaradorlikni-baholash-qadimiy-va-zamonaviy-mezon](http://biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/45160-samaradorlikni-baholash-qadimiy-va-zamonaviy-mezon).
11. Saidov M.H., Ochilov I.S. (2023). Improving the analysis of the financial stability of clusters in the process of transformation. Monograph. "Zebo print" publishing house. Tashkent: 2023. – 152 pages.
12. Очилов И.С. (2023). Трансформация ва рақамли иқтисодиёт шароитида агрокластерлар самарадорлиги таҳлилини такомиллаштириш. Монография. “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi” нашриёти. Тошкент: 2022. –Б 172.
13. Очилов И.С. (2023). Хизмат кўрсатиш кластерларининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий самарадорлиги таҳлили. Agroiqtisodiyot, N1 [27] 2023, Б.151-152.

И.Очилов	I.Ochilov
Анализ показателей экономической эффективности деятельности кластеров	Analysis of indicators of economic efficiency of cluster activities
<p>Аннотация: В созданных в нашей стране кластерах выбрана стратегия снижения себестоимости продукции, увеличения прибыли и достижения финансовой устойчивости. По этой причине в статье проанализированы показатели экономической эффективности деятельности кластеров и предложены научно-практические рекомендации.</p> <p>Ключевые слова: организационно-экономическая, деятельность кластеров, повышение эффективности, хлопково-текстильные кластеры, государственная субсидия, банковский кредит, рейтинговый индекс, оценка эффективности, анализ показателей.</p>	<p>Abstract: In the clusters created in our country, a strategy has been chosen to reduce production costs, increase profits and achieve financial stability. For this reason, the article analyzes the indicators of economic efficiency of clusters and gives scientific and practical recommendations.</p> <p>Keywords: organizational and economic, cluster activity, efficiency improvement, cotton-textile clusters, state subsidy, bank loan, rating index, performance evaluation, analysis of indicators.</p>

Юсуф Ибрагимович Турдибеков – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети катта ўқитувчиси

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХАРАЖАТ ЁНДАШУВИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада автотранспорт воситалари хизматларининг харажат ёндашуви усуллари ўрганилди ва харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдим қилинди.

Калит сўзлар: автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматлари; харажат ёндашуви; жисмоний эскириш; функционал эскириш; ташқи эскириш; бозор қиймати.

Кириш. Ўзбекистонда автомобиллаштириш даражаси ошиб бориши натижасида баҳолаш хизматлари турларидан бири – автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларига

бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Автотранспорт воситалари бугунги кунда иқтисодий муносабатлар айланмасига кўпроқ жалб қилинмоқда. Автотранспорт воситалари савдо объекти сифатида, кредит муносабатларида гаров сифати, суғурта объекти сифатида, устав фондига улуш сифатида, ижара объекти сифатида, лизинг объекти сифатида фойдаланилмоқда ва бунда уларнинг қиймати тўғрисидаги ахборотга талаб юзага келади. Бу хизматни автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматлари кўрсатади. Бунда улар баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувларидан фойдаланишади. Ушбу мақолада автотранспорт воситаларини баҳолашда қўлланиладиган харажат ёндашувининг усулларини такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Автотранспорт воситаларининг қийматини баҳолашда қўлланиладиган баҳолаш ёндашувлар бугунги кунда илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Бу соҳа бўйича Ю.В.Адрианов [3], А.Н.Асаул [4], А.В.Юдин [5] каби россиялик олимлар автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш бўйича ўз фикрларини беришган, лекин уларнинг ишларида харажат ёндашувининг барча усулларининг моҳияти тўлиқ очиб берилмаган. Харажат ёндашувининг кўпгина усуллари мавжуд, лекин автотранспорт воситаларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг баъзиларидан автотранспорт воситаларини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Автотранспорт воситалари қийматини харажат ёндашуви асосида баҳолаш жараёнида қўлланиладиган усуллар тадқиқ қилинганда индукция ва дедукция, анализ ва синтез, мантикий ёндашув, статистик кузатиш, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Автотранспорт воситаларини баҳолашнинг харажат ёндашувида қуйидаги усуллардан фойдаланилади¹:

- 1) алмаштириш усули;
- 2) турдош объект баҳоси бўйича ҳисоблаш усули;
- 3) элементма-элемент ҳисоблаш усули;
- 4) индексациялаш усули.

Автотранспорт воситасининг харажат ёндашуви асосида қолдиқ қиймати қуйидаги ифодадан аниқланади [6]:

$$C_{\text{қол}} = C \times \left(1 - \frac{\mathcal{E}_{\text{жам}}}{100}\right), \quad (1)$$

бу ерда: C – янги автотранспорт воситасининг етказиб беришга транспорт харажатлари ва божхона божларини ҳисобга олган ҳолдаги таклиф баҳоси сифатидаги тиклаш қиймати; $\mathcal{E}_{\text{жам}}$ – жамланган эскириш.

Алмаштириш усули аналог (ўхшаш) объектлар баҳоси тўғрисидаги ахборотдан (шартнома баҳоси ёки таъминотчиларнинг таклиф нархлари тўғрисидаги ахборотдан) фойдаланиб қўлланилади.

Аналог (ўхшаш) объектларнинг шартнома ёки таклиф баҳосига тузатишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- техник, функционал тавсифларига, жиҳозланиши ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқларга қараб тузатиш киритиш;
- транспорт, шартномани расмийлаштириш, солиқ, бож ва бошқа йиғимларга қараб тузатиш киритиш;
- аналог объектнинг жойлашган манзилига қараб тузатиш киритиш ва ҳ.к.

Алмаштириш усулида автотранспорт воситасининг тиклаш қийматини қуйидагича баҳолаймиз [2]:

$$C_{\text{T}} = C_{\text{ст.к.авт}} \pm T_1 \pm T_2 \pm T_3 \pm \dots \pm T_n, \quad (2)$$

бу ерда: $C_{\text{ст.к.авт}}$ – стандарт комплектацияга эга автотранспорт воситаси баҳоси, сўм; $T_1, T_2, T_3, \dots, T_n$ – аналог объект баҳосига киритиладиган тузатишлар (жиҳозланиш, жойлашган манзили, транспорт, шартномани расмийлаштириш, солиқ, бож ва бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий баҳолаш стандарти, Т., 2020. <https://lex.uz/docs/4842496>

йиғимлар, шартнома тузилган санаси ва ҳ.к.), сўм.

Турдош объект баҳоси бўйича ҳисоблаш усули баҳоланаётган автотранспорт воситасининг русумига ўхшаш аналоглар тўғрисида бозор маълумотлари топилмаганда қўлланилади, бунда ушбу автотранспорт воситаси гуруҳига кирувчи, барча параметрлари бир-бирига ўхшаш бўлган турдош автотранспорт воситасининг баҳосидан фойдаланилади.

Турдош объектнинг тўлиқ ишлаб чиқариш таннархини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади [2]:

$$C_{\text{то.т}} = \frac{(1-K_{\text{кс}}) \cdot (1-N_{\text{фс}} - K_{\text{р}}) \cdot B_{\text{то}}}{(1+K_{\text{кс}}) \cdot (1-N_{\text{фс}})}, \quad (3)$$

бу ерда: $C_{\text{то.т}}$ – турдош объектнинг тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи, сўм; $B_{\text{то}}$ – турдош объект баҳоси, сўм; $K_{\text{кс}}$ – қўшилган қиймат солиғи ставкаси; $N_{\text{фс}}$ – фойда солиғи ставкаси; $K_{\text{р}}$ – рентабеллик кўрсаткичи.

Сўнгра баҳолаш объектнинг тўлиқ таннархи қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади [2]:

$$C_{\text{т}} = C_{\text{то.т}} \cdot \left(\frac{G_{\text{о}}}{G_{\text{то}}}\right) \cdot \left(\frac{K_{\text{с}}}{K_{\text{с/о}}}\right), \quad (4)$$

бу ерда: $C_{\text{т}}$ – баҳолаш объектнинг тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи; $G_{\text{о}}$ – баҳоланаётган объектнинг асосий тавсифи кўрсаткичи; $G_{\text{то}}$ – турдош объектнинг асосий тавсифи кўрсаткичи; $K_{\text{т}}$ – баҳоланаётган объектни ишлаб чиқаришнинг туркумилиги коэффициенти; $K_{\text{т/о}}$ – турдош объектни ишлаб чиқаришнинг туркумилиги коэффициенти.

Шундан сўнг баҳолаш объектнинг такрор ишлаб чиқариш тўлиқ қиймати (тиклаш қиймати) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [2]:

$$C_{\text{тк}} = \frac{(1-N_{\text{фс}}) \cdot C_{\text{т}}}{1-N_{\text{фс}} - K_{\text{р}}}, \quad (5)$$

Элементма-элемент ҳисоблаш усулидан фойдаланганда, дастлаб, баҳолаш объектнинг бутловчи қисмлари рўйхати тузилади ва бутловчи қисмлар баҳоси тўғрисида ахборот тўпланади. Олинган ахборотлар асосида баҳолаш объектнинг тўлиқ таннархи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [2]:

$$C_{\text{т}} = \sum H_{\text{з}} + \text{ТХ}, \quad (6)$$

бу ерда: $C_{\text{т}}$ – баҳолаш объектнинг тўлиқ таннархи; $H_{\text{з}}$ – бутловчи қисмнинг баҳоси; ТХ – тайёрловчи томонидан амалга оширилган харажатлар (йиғиш харажатлари, ишчиларнинг иш ҳақиси ва б.).

Баҳолаш объектнинг тиклаш қиймати (5) формула ёрдамида аниқланади.

Индексациялаш усули статистика органлари белгилайдиган нархларнинг қимматлашиш индексини қўллаш орқали амалга оширилади [2]:

$$C_{\text{тк}} = C_{\text{б}} \cdot I, \quad (7)$$

бу ерда: $C_{\text{б}}$ – объектнинг базавий қиймати; I – нархларнинг қимматлашуви индекси (индекслари).

Баҳолаш масалаларига нисбатан қўлланилганда **эскириш** объектнинг эксплуатация ёки узоқ вақт сақлаш, илмий-техник тараққиёт ва умумий иқтисодий вазият жараёнида ўз қийматининг йўқолиши тушунилади. Ушбу барча омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган эскириш жамланган эскириш деб аталади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади [6]:

$$\mathcal{E}_{\text{жам}} = \left(1 - \left(1 - \frac{\mathcal{E}_{\text{жис}}}{100}\right) \left(1 - \frac{\mathcal{E}_{\text{функ}}}{100}\right) \left(1 - \frac{\mathcal{E}_{\text{ик}}}{100}\right)\right) \times 100, \quad (8)$$

бу ерда: $\mathcal{E}_{\text{жис}}$ – жисмоний эскириш; $\mathcal{E}_{\text{функ}}$ – функционал эскириш; $\mathcal{E}_{\text{ик}}$ – иқтисодий (ташқи) эскириш.

Жисмоний эскириш ($\mathcal{E}_{\text{жис}}$) миқдори турли усуллар ёрдамида аниқланади¹:

- асосий параметрларнинг ёмонлашиши усули;
- меъёрий эскириш усули;
- эскиришни ҳисоблашнинг бевосита усули;

¹ Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий баҳолаш стандарти, Т., 2020. <https://lex.uz/docs/48424>

- ўртача ҳисобланган эскириш усули;
- ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган масофани ҳисобга олган усули;
- эксперт усули.

Асосий параметрнинг ёмонлашиши усулида жисмоний эскиришни аниқлашда баҳолаш объектига хос маълум бир фойдаланиш параметрининг (энергия самарадорлиги, иш унумдорлиги, қуввати ва ҳ.к.) ёмонлашиши эътиборга олинади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = 1 - \left(\frac{X}{X_0}\right)^n, \quad (9)$$

бу ерда: X_0 , X – баҳолаш объектининг дастлабки (янги) ва баҳолаш пайтидаги асосий параметри кўрсаткичлари; n – баҳолаш объекти қийматида асосий параметрнинг таъсир кучини ифодаловчи даража кўрсаткичи (0,6 - 0,8).

Меъёрий эскириш усулида баҳолаш объектининг ҳақиқатдаги хизмат муддати меъёрий (норматив) муддатига бўлиш орқали жисмоний эскириш ҳисобланади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = \frac{T_{\text{сам}}}{T_{\text{н}}} * 100\%, \quad (10)$$

бу ерда: $T_{\text{сам}}$ – баҳолаш объектининг баҳолаш санасидаги ҳақиқатдаги хизмат муддати (ишлаган вақти), йил ёки соат; $T_{\text{н}}$ – меъёрий (норматив) хизмат муддати, йил ёки соат.

Жисмоний эскиришни ўлчагининг бевосита усулида жисмоний эскиришни бартараф қилиш учун зарур бўлган харажатлари суммаси янги (аналог) объектнинг қийматида бўлинади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = \frac{C_p}{C_a} * 100\%, \quad (11)$$

бу ерда: C_p – жисмоний эскиришни бартараф қилиш учун зарур бўлган харажатлар суммаси, сўм; C_a – янги аналогнинг қиймати, сўм.

Ўртача ҳисобланган эскириш усулида баҳолаш объекти алоҳида конструктив элементларининг баҳолаш объекти умумий қийматидаги салмоғини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатдаги ҳолати бўйича эскириш даражаси аниқланади. Ушбу усулдан ишлаб чиқарувчи корхона техник ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт воситасининг алоҳида конструктив элементлари салмоқларининг меъёрлари мавжуд бўлган тақдирда фойдаланиш мумкин. Баҳолаш объекти жисмоний эскириш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = \sum_{i=1}^n a_i \mathcal{E}_{\text{жис } i}, \quad (12)$$

бу ерда: $\mathcal{E}_{\text{жис } i}$ – баҳолаш объекти i -конструктив элементининг жисмоний эскириши, фоиз; a_i – бугун баҳолаш объектининг таннархида i - конструктив элементи таннархининг салмоғи (коэффициент); n – баҳолаш объекти конструктив элементларининг сони.

Ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган масофани ҳисобга олган усули норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача бўлган норматив босиб ўтган йўл (хизмат муддати) белгиланмаган автотранспорт воситалари учун жисмоний эскиришни баҳолаш учун фойдаланилганда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Автотранспорт воситаларининг ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган масофани ҳисобга олган жисмоний эскириш қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади [6]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = 100(1 - e^{-\Omega}), \quad (13)$$

бу ерда: Ω – автотранспорт воситаларининг эксплуатация бошидан ёши ва ҳақиқий босиб ўтган йўлига боғлиқ бўлган функция.

Турли транспорт воситалари учун Ω функциясининг кўриниши 1-жадвал асосида аниқланади:

Эксперт усули автотранспорт воситаларининг жисмоний ҳолатини аниқлаш учун эксперт-мутахассиснинг олдиндан белгиланган баҳолаш шкаласига мос субъектив фикридан фойдаланишга асосланади. Ишончлилик даражасини ошириш учун, одатда, эскириш даражасини аниқловчи бир неча экспертлар жалб қилинади. Жисмоний эскириш даражаси бу усулда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [6]:

Турли автотранспорт воситалари учун Ω функциясининг кўриниши [6]

№	Автотранспорт воситасининг тури	Ω боғлиқлик кўриниши
1	2	3
1	Миллий енгил автомобиллар	$\Omega = 0,07 T_{\phi} + 0,0035 L_{\phi}$
2	Миллий бортли юк автомобиллари	$\Omega = 0,1 T_{\phi} + 0,003 L_{\phi}$
3	Россия шатакчи-автомобиллари	$\Omega = 0,09 T_{\phi} + 0,002 L_{\phi}$
4	Россия ағдарма-машиналари	$\Omega = 0,15 T_{\phi} + 0,0025 L_{\phi}$
5	Россия махсус автотранспорт воситалари	$\Omega = 0,14 T_{\phi} + 0,002 L_{\phi}$
6	Россия автобуслари	$\Omega = 0,16 T_{\phi} + 0,001 L_{\phi}$
7	Европада ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар	$\Omega = 0,05 T_{\phi} + 0,0025 L_{\phi}$
8	Америкада ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар	$\Omega = 0,055 T_{\phi} + 0,003 L_{\phi}$
9	Осиёда (Япониядан ташқари) ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар	$\Omega = 0,065 T_{\phi} + 0,0032 L_{\phi}$
10	Японияда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар	$\Omega = 0,045 T_{\phi} + 0,002 L_{\phi}$
11	Чет элда ишлаб чиқарилган юк автомобиллари	$\Omega = 0,09 T_{\phi} + 0,002 L_{\phi}$
12	Чет элда ишлаб чиқарилган автобуслар	$\Omega = 0,12 T_{\phi} + 0,001 L_{\phi}$

Изоҳ: T_{ϕ} – баҳолаш санасидаги автотранспорт воситаларининг ҳақиқатдаги ёши, йиллар; L_{ϕ} – эксплуатация бошидан баҳолаш санасигача бўлган автотранспорт воситаларининг ҳақиқий босиб ўтган йўли, минг км (мотосоат).

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = \sum \mathcal{E}_{\text{жис } i} \times a_i, \quad (14)$$

бу ерда: $\mathcal{E}_{\text{жис}}$ – i -чи экспертнинг эскириш баҳоси; a_i – i -чи эксперт фикрининг аҳамиятлилик (вазн) коэффициенти. Экспертлар фикрининг вазнлиги $\sum a_i = 1$ шартидан келиб чиқиб аниқланади.

Функционал эскиришни аниқлашда турли сифат белгиларини бирлаштирувчи сифатнинг ялпи кўрсаткичини танлаш тавсия қилинади: ишончлилик, узоқ муддатлилик, дизайн, эксплуатацияда тежамлилик ва бошқалар. Хомаки баҳолаш учун функционал эскириш коэффициенти автотранспорт воситаларининг ёшига боғлиқлигини инobatта олинишига рухсат берилади. Функционал эскиришни қуйидаги формула бўйича аниқлаш тавсия қилинади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{функ}} = \left[1 - \left(\frac{P_0}{P_{\text{ан}}} \right)^n \right] \times 100, \quad (15)$$

бу ерда: P_0 – баҳолаш объектининг иш унумдорлиги кўрсаткичи (натурал бирликларда ёки пул ифодасида); $P_{\text{ан}}$ – функционал такомиллашган янги аналогнинг иш унумдорлиги кўрсаткичи (натурал бирликларда ёки пул ифодасида); n – баҳолаш объекти қийматига таъсир кучини ифодаловчи қўлланилаётган параметрнинг даража кўрсаткичи (0,6 – 0,8).

Ташқи (иктисодий) эскириш – автотранспорт воситаси эксплуатация қилинаётган ташқи муҳит ушбу автотранспорт воситасининг фойдали потенциалидан фойдаланишнинг чегаралаш шароитида автотранспорт воситаси қийматининг пасайиши. Автотранспорт воситасининг ишлаб чиқариш қувватидан объектив вужудга келувчи ва доимий фойдаланмасликдан қийматининг пасайиш даражасини кўрсатувчи иктисодий эскириш коэффициенти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади [6]:

$$\mathcal{E}_{\text{ик}} = 1 - \frac{Q_{\text{ич}}}{Q_{\text{сич}}}, \quad (16)$$

бу ерда: $Q_{\text{ич}}$ – замонавий иктисодий шароитларда объектив юзага келган баҳоланаётган автотранспорт воситаси ёрдамида таъминланадиган энг юкори имкониятли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; $Q_{\text{сич}}$ – баҳоланаётган автотранспорт воситасининг самарали ишлаб чиқариш қуввати.

Эскиришни аниқлаш тартибини тўғри танлаш баҳолашда жиддий хатолардан қочишга имкон беради, бунда эскиришнинг қайсидир тури етарлича асосларга эга бўлмаса,

умуман ҳисобга олинмайди ёки икки марта ҳисобга олинади – бевосита ва билвосита аниқланганда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматлари билан бугунги кунда кўплаб мутахассис-баҳоловчилар шуғулланишади, лекин уларда автотранспорт воситаларини баҳолаш бўйича умумий методика ва стандарт ишлаб чиқилмаганлиги сабабли баҳолаш хизматларини кўрсатишда тушунмовчиликлар, камчиликлар ва усулларни қўллаш бўйича муаммоларга дуч келишмоқда. Уларнинг муаммоларига ечим сифатида автотранспорт воситаларини баҳолашнинг ушбу харажат ёндашуви методикасини таклиф қилдим. Бу билан бу соҳада юзага келаётган фарқланиш ва тушунмовчиликларга барҳам бериларди деб ўйлайман.

Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматлари соҳасида мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича бир қатор таклифларни бермоқчиман:

1) Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг стандарти ва методикаси яратилиши лозим, чунки баҳолашнинг стандарт ва методикаси бўлмаса, бу соҳада бетартиблик, тизимсизлик, адолатсизлик авж олади. Соҳани назорат қилиш учун, авваламбор, тизим ва меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиши керак.

2) Автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган ягона ахборот базасини яратиш лозим, чунки ҳозирга қадар бундай база мавжуд эмас ва баҳоловчилар ўзларига зарур бўлган ахборотларни излаб топиш учун жуда кўп вақтларини сарфлашмоқда.

3) Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларини рақамлаштириш зарур, чунки бу замон талаби. Баҳолаш хизматларини автоматлаштириш орқали баҳоловчиларнинг вақти тежаллади, харажатлар қисқаради, хизмат нархи арзонлашади, олинадиган фойда миқдори ошади, хизмат кўрсатиш жараёни тезлашади, шунингдек мижозлар билан онлайн алоқа қилиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Т., 1999. <https://www.lex.uz/docs/24703>
2. Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий баҳолаш стандарти, Т., 2020. <https://lex.uz/docs/4842496>
3. Андрианов Ю.В. Оценка транспортных средств. – М.: Дело, 2002. – 488 с.
4. Асаул А. Н., Старинский В. Н., Бездудная А. Г., Старовойтов М. К. Оценка собственности. Оценка машин, оборудования и транспортных средств: Учебник. под ред. засл. деятеля науки РФ, д-ра экон. наук, профессора А. Н. Асаула. - СПб.: АНО «ИПЭВ», 2011.-287с.
5. Юдин А.В. Оценка стоимости транспортных средств. – М., Московская финансово-промышленная академия, 2005. – 75 с.
6. Ғаниев К.Б., Сафин Ф.Г., Турдибеков Ю.И., Ганиева Ф.К. Автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: “Baktria press” нашриёти, 2021. – 160 б.

<p>Ю.Турдибеков</p> <p>Совершенствование методики затратного подхода оценочных услуг автотранспортных средств</p> <p>Аннотация: В данной статье рассматриваются методы затратного подхода оценочных услуг автотранспортных средств и предлагаются предложения по совершенствованию методики затратного подхода.</p> <p>Ключевые слова: оценочные услуги автотранспортных средств, затратный подход, физический износ, функциональный износ, внешний износ, рыночная стоимость.</p>	<p>Yu.Turdibekov</p> <p>Improving the methodology of the cost approach of appraisal services of motor vehicles</p> <p>Abstract: This article discusses the methods of the cost approach for appraisal services of motor vehicles and offers suggestions for improving the methodology of the cost approach.</p> <p>Keywords: appraisal services of motor vehicles, cost approach, physical wear, functional wear, external wear, market price.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023